



IJTIMOIIY - SIYOSIIY GAZETASI

Жалолиддин РУМИЙ:

Минг йил ўқисам-у, мендан “Нимани билдинг?” деб сўрасалар, “Ҳаддимни билдим”, дейман.

ЁН ҚЎШНИ – ЖОН ҚЎШНИ

ШОВОТ – ТОШХОВУЗ: КЎНГИЛЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Орзиқиб кутилган кун ҳам етиб келди – Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг олий даражадаги музокаралари натижасида “Шовот – Тошховуз” қўшма чегараолди савдо зонаси очилди.

Аминманки, сиз ҳам қачондир “бозор” сўзини бўғинларга ажратиб ҳайратлангансиз: бозор, озор, зор, ор!

Биргина шу сўзнинг замирида қанча маъно, дард ва орзу муҳасамалигини ўйлаб кўрганмисиз? Икки халқни йиллар давомида бир-биридан айирган масофа бу – **озор**, дийдорга ташналик, бир-бирига ичккан йиллар бу – **зор**, оға-ини бўла туриб елкадош бўлмаган, дўст бўла туриб яхши, ёмон кунда бaғир очолмаган қардошлар учун бу – **ор** эди.

Ўтган ҳафтанинг энг муҳим, аини пайтда жуда қувончли воқеаси “Шовот – Тошховуз” қўшма чегараолди савдо зонасининг ишга туширилгани бўлди. Минг йиллар давомида ўзбеклар ва туркманлар яқин қўшни, дўст, биродар, қуда-анда бўлиб яшаб келади. Лекин мустақилликнинг дастлабки йилларида ўрнатилган симтўр ва чегара чекловлари орага совоқлик солгани, одамларнинг борди-келдисига тўсиқ бўлгани ҳам бор гап. Ушанда асрлардан бери бир-бирининг бозорларига эркин қатнаб турган қўшни халқлар турли қийинчиликларга дуч келди. Ҳатто шўро даврида қуда-анда бўлиб кетган оилалар баъзан йиллаб бир-бирининг дийдорига зор-интизор бўлгани ҳам рост.

Азалдан Тошховуз бозорларини хоразмлик боғбон ва миришкорлар етиштирган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари тўлдириб келган. Туркменистон томонидан эса машҳур туркман гиламлари, чорва маҳсулотлари ўзбек бозорлари кўркига кўрк қўшиб келган. Узаро қатнов узилган йилларда айнан шу неъматларнинг нархи сунъий равишда қимматлаб кетгани барчага аён.

Жами олти гектар майдонни эгаллаган (ҳар худудда уч гектардан) ушбу замонавий савдо мажмуасида барча қўлайликлар муҳайё.

Қисқа вақт ичида бозор худудига замонавий автотураргоҳлар, меҳмонхоналар, тиббиёт шохбачаси, омборлар, контейнер майдонлари, чакана савдо павильонлари барпо этилди. Товарларни сақлаш, саралаш, сотиш ва ташиш тизимлари замонавий технологиялар асосида ташкил қилинди. Банк хизматлари, валюта айирбошлаш шохбачалари, давлат хизматлари учун интерактив платформаларнинг жорий этилгани харидор ва сотувчига вақт ва имконият борасида катта энгиллик яратди, десак асло мулоҳаза бўлмайди.

Савдо зонаси “эркин божхона” тамойили асосида фаолият юритади. Янги бозор тизимини яратиш учун ҳар икки давлат томонидан катта маблағлар сарфланган бўлиб, бу сарф-харажатлар ўзаро савдо айланмаси натижасида қисқа фурсатда ўзини тўлиқ оқлаши шубҳасиз.

Асрлар давомида икки халқ ўртасида асосан озик-овқат, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси устувор бўлиб келган. Ана шу аъёна бардавом бўлиши инobatга олиниб, савдо

зонасида карантин инспекциялари, ветеринария ва фитосанитария хизматлари ҳам йўлга қўйилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Эндиликда харидор ҳам, тадбиркор ҳам ҳеч қандай ортиқча оворагарчиликларсиз бозорга кириб-чиқиши мумкин. Туркменистон томондаги бозорга ўтиш учун ўн беш кунлик виза берилиши эса икки халқ ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлики янада яхшилайди. Бу имконият туркман биродарларимизга ҳам тенг татбиқ этилади.

Энг қувонарлиси, Тошховузда қариндош-уруғлари бор одамлар энди ушбу савдо майдонида бемалол учрашиб, ошхоналарда овқатланиб, суҳ-

даги улгуржи савдо “авжига чиққан”, четдан келган электротехника ва бошқа товарлар айланмаси устувор бўлиб қолган эди. Ана шу хатолар қайта такрорланмаслиги учун бу сафар бозорда фақат Туркменистон ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосига рухсат берилди.

Бу эса маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар учун имконият эшикларини очди. Масалан, хонқалик хунармандлар вилоятдаги мебель ишлаб чиқаришнинг ярмига яқин қисмини таъминлайди. Президент ташаббуси билан Хонқанда барпо этилган мебельсозликка ихтисослашган саноат зонаси туфайли энди



бат қуришлари мумкин. Бунинг ўзи ҳам чегараолди худудлар ҳаётида катта янгиллик.

Янги савдо худуди Хоразм ва Тошховуз ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янги босқичга олиб чиқади. Бундан харидор ҳам, тадбиркор ҳам, давлат ҳам ютади. Савдо асосан чакана шаклда олиб борилиши ва фақат икки давлатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилиши эса бозорни янада соғлом, адолатли ва тартибли қилади.

Бундан бир неча йил олдин аини шу худудда вақтинчалик савдо майдони очилган, аммо қисқа вақтдан сўнг ёпилган эди. Сабаб – у ерда оддий харидор учун эмас, балки тадбиркорлар ўртаси-

улар ишлаб чиқараётган юздан ортиқ турдаги ме-беллар туркман биродарларимиз уйлари ва муас-сасаларини безайди.

Шунингдек, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материал-лари ҳам туркман қурувчилари учун катта қўлай-лик яратади. Масофанинг яқинлиги, логистика харажатларининг камлиги сабаб маҳсулотлар нар-хи ҳам анча арзон бўлади. Бу эса икки давлат та-дбиркорлари учун ғоят манфаатли бўлажак.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

БУГУНГИ СОНДА:




УЧҚУДУҚ ОЛТИНИ:
ИЛМ ВА ЖАСОРАТ ЁЗГАН 30 ЙИЛЛИК ТАРИХ

4с



“ОКЕАН”ГА ЙЎЛАМАНГ, ҒАРҚ БЎЛАСИЗ
ЁХУД ОНЛАЙН ҚИМОРДА ЮТҚАЗГАН БАНК ХОДИМИНИНГ
ЯНЧЛИ ҚИСМАТИ

5с



Қозоқбой ЙЎЛДОШ:
ҒУРУРЛИ ОДАМ КИБРЛИ БЎЛМАЙДИ

6с

О‘zLiDeP ВА ДУНЁ

ИШОНЧ – ҲАМКОРЛИКНИ БОҒЛАЙДИГАН МУСТАҲКАМ РИШТА

Сўнгги йилларда Ўзбекистон чўқур янги-ланиш даврини бошидан кечирмоқда, унда очиқ-лики таъминлаш, мулоқот маданиятини шакллантириш, барқарор иқтисодий алоқа-ларни ривожлантириш ҳамда халқаро ҳамжамият билан ўзаро алоқаларни мустаҳкам-лашга сезиларли эътибор қа-ратилмоқда. Бу жараёнларда мамлакатимизда етакчи сиёсий куч сифатида эъти-роф этилган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демо-кратик партияси ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Айниқса, О‘zLiDePнинг Сай-ловолди дастурида ҳам бошқа соҳалар билан бирга халқаро иқтисодий кооперацияни мус-таҳкамлаш, савдо алоқаларини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига

хизмат қилувчи минтақавий ва глобал ташаббусларда иштирок этиши қайд этилган. Улар ора-сида халқаро алоқаларни кучай-тиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Кўп асрлик савдо, дипломатия ва маданий алма-шинув аъёналарига эга давлат сифатида Ўзбекистон халқаро ҳамкорлик ва ўзаро англашувга тайёр, очиқ ва демократик сиё-сат юритишга асослангани боис Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа минтақалар ўрта-сида ишончни мустаҳкамлашга қаратилган умуммиллий ташаб-бусларни қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнамоқда. Шу маъ-нода партиянинг хорижий дав-латлар билан ўзаро ҳамкорлик-ка асосланган қатъий позицияси доимо прагматизм, ижтимоий масъулият ва тинч-ликка интилиш билан боғлиқ кечмоқда.

3

ИФТИХОР

ЖАВОҲИР – ЖАҲОН КУБОГИ СОҲИБИ!

Бу хушхабарни эшитган барча ўзбекистонликлар қалбида фахру ифтихор жўш урди. Негаки, Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрида шахмат бўйича ўтказилган Жаҳон кубоги ҳазилакам беллашув эмасди-да!

Ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг турли давлатларидан 200 дан зиёд маҳоратли шахмат-чилар қатнашиб, бош соврин учун муросасиз курашди.

Барибир мухлисларнинг Жавоҳир Синдоровга ишончи анча баланд эди. Бироқ ҳеч ким мағлуб бўлиш учун жангга чиқ-майди. Мусобақанинг финалигача етиб келган ҳамюртимиз энг сўн-гги баҳсда хитойлик Вей Йи билан рўбарў бўлди.

Ҳабарингиз бор, мазкур бел-лашувнинг дастлабки икки партия-си дуранг билан якунланганида қанчалар ҳаяжонландик. Ниҳоят кеча якуний қарама-қаршилиқ баҳ-си ғолиби тай-брейкда аниқланди. Тай-брейк охирида Жавоҳир Син-доров 1,5 : 0,5 ҳисоби билан ғала-ба қозониб, Жаҳон кубоги ғолиби деб эълон қилинди!

Шу ўринда ғолибликка қадар Жавоҳир Никита Петров (Чер-ногория), Николас Теодору (Гре-ция), Ю Янгйи (Хитой), Фредрик Сване (Германия), Хосе Мартинес Алкантара (Мексика), Нодирбек Якуббоев (Ўзбекистон) каби шах-матчиларни мағлуб этиб, финалга чиққанди.

Яна бир тарихий воқеа шуки, ҳали шу вақтга қадар бирорта ўз-бек шахматчисига Жаҳон кубоги финалигача етиб келиш насиб эт-маган.

Энди Жавоҳир Синдоров 2026 йилнинг март ойида ўтка-зиладиган Номзодлар турнирида қатнашади.



O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

СОДДАЛАШГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда дастлаб Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва келгуси йил учун устувор вазифалар юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов сўнги йилларда камбағалликка қарши кураш Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади.



Ақтам ХАЙТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси раҳбари:

– Янги таҳрирдаги Конституцияда давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши мустаҳкамлаб қўйилди.

Юртимизда ушбу йўналишда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида жорий йилда ишсизлик даражаси 4,9 фоизга тушиб, 302 минг оила камбағалликдан чиқарилди. 1 435 та маҳалла эса камбағалликдан холи ҳудудга айланди. Келгуси йилда ҳам ишсизлик ва камбағалликни янада камайтириш учун белгилаб олинган вазифалар аҳолиимизнинг турмуш сифати даражасини оширишга хизмат қилади. Жумладан, қурилиш, сервис ва туризм лойиҳалари орқали янги иш ўринлари яратиш, 140 минг хонадонли уй-жойлар қурилиши, 150 та туризм салоҳиятли маҳаллаларга инфратузилма ёрдами ва янги хизмат кўрсатиш объеклари ташкил этиш аҳоли даромадларини сезиларли оширади.

Депутатлар видеоселекторда белгиланган вазифалар O'zLiDePнинг ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанглигини қайд этишди. Хусусан, партиянинг Сайловолди дастурида барқарор иш жойлари яратиш, камбағалликни қисқартириш устувор вазифа сифатида ўрин олган.

Шундан сўнг Адлия вазири Акбар Тошқуловнинг давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш ҳамда аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қўшимча қулайликлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди.



Хушвақт ХАЙИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– Қайд этиш ўринлики, мамлакатимизда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, соҳада бюрократик тўсиқларни қисқартириш, давлат идоралари фаолиятини рақамлаштириш ва автоматлаштириш орқали инсон омилини камайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат хизматлари марказлари хизматларидан фойдаланиш даражаси йилдан йилга ўсиб борапти. Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 770 дан ортиқ, давлат хизматлари марказлари орқали эса 500 дан ортиқ хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Айни вақтда кунига ўрта ҳисобда 100 мингга яқин фуқаро мазкур марказларга мурожаат қилмоқда. Биргина шу йилнинг 9 ойида ушбу марказлар томонидан 19,7 миллиондан зиёд хизмат кўрсатилган. Бу эса хизматлар сони ўтган йилнинг шу давriga нисбатан 3,5 миллионга ошганини билдиради.

Фракция аъзолари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларидан 150 турдаги маълумот ва хужжатларни талаб этиш бекор қилиниши натижасида уларнинг 22,7 млрд сўмдан ортиқ маблағлари тежалишига эришилганини ижобий баҳоладилар. 200 дан ортиқ давлат хизматлари бўйича ариза бериш жараёни “3 қадам” тамойили асосида соддалаштирилгани ҳам эътироф этилди.

Муҳокамалар давомида ушбу соҳадаги ютуқлар билан бирга, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, хизматлар сифати ва бундан аҳолининг мамнунлиги даражасини ошириш, давлат хизматларини кўрсатишда коррупциявий ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиш бўйича бир қатор тақлифлар берилди.

Фракция йиғилишида депутатлар Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедовнинг мамлакатимизга амалга оширган расмий таширифи Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик ришталарини янада мустаҳкамлашини қайд этишди.



Гулдана АВЕЗДУРДИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

– “Шовот – Тошхувуз” қўшма чегараолди савдо зонаси икки халқ ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини янги босқичга олиб чиқади.

Савдо зонаси инфратузилмасининг замонавий тарзда ташкил этилгани, божхона, ветеринария, фитосанитария ва банк хизматларининг бир жойда жамланиши тадбиркорлар учун кенг имконият яратади. Бу эса товар айланмасини

тезлаштиради, тадбиркорлик фаолиятини энгиллаштириб, шаффофлик ва қулайликни таъминлайди. Янги постнинг техник жиҳатдан тўлиқ жиҳозлангани божхона назорати самарадорлигини янада ошириши шубҳасиз.

Йиғилишда мазкур лойиҳа нафақат икки қўшни мамлакат, балки қўшма ҳамкорликдан манфаатдор бўлган хорижий инвесторлар учун ҳам муҳим савдо нуқтасига айланишига ишонч билдирилди. Ушбу масканнинг очилиши минтақада янги иқтисодий манзиллар, қўшма лойиҳалар ва

инвестиция оқимларининг кенгайишига замин яратади. Энг муҳими, ушбу мажмуа халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва биродарлик руҳини янада кучайтирди.

Тадбир якунида кун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ЭКОЛОГИК БОШҚАРУВ

Сўнги ўнйилликларда Ўзбекистонда экологик муаммоларнинг кучайиши, жумладан, ҳаво ифлосланиши, чиқиндилар агломерацияси, сув ресурслари ва биологик хилмаҳиллик қисқариши, иқлим ўзгариши жиддий хавфга айланмоқда. Ушбу ўзгаришлар, ўз навбатида, давлат бошқарувининг янги моделини жорий этишни талаб этади.

Мамлакатдаги барқарор ривожланиш сиёсати ва янги таҳрирдаги Конституция экологик ҳуқуқларнинг кафолатланишини стратегик даражага кўтарди. “Яшил ривожланиш” концепцияси доирасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу жиҳатдан Президентимизнинг 2025 йил 18 ноябрдаги “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори экологик давлат бошқарувида туб институционал ўзгариш ҳисобланади. Экология ва иқлим ўзгариши миллий кўмитасининг ташкил этилиши экологик сиёсатда янги институционал парадигма – марказлашган, мустақил, тезкор ва таҳлилий фаолият юритувчи тизимни жорий этади.

Миллий кўмита институционал нуқтаи назаридан Президентга бевоқиф ҳисобдор этиб белгиланиб, вертикал бошқарув занжирини қисқариши, қарор қабул қилишнинг тезлашиши, сиёсий-ҳуқуқий масъулиятнинг кучайишини таъминлайди. Янги кўмита мустақил давлат органи бўлиб, бошқа вазирлик ва идоралардан мустақил равишда фаолият

юритувчи институт сифатида таърифланди. Бу эса экологик сиёсатнинг тезкор, стратегик ва марказлашган тарзда амалга оширилиши учун ҳуқуқий асос яратади. Халқаро мажбуриятлар ва Ўзбекистоннинг экологик дипломатиясини олиб боради. Ўзбекистон Париж келишуви ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари, шунингдек, Марказий Осиё минтақавий экологик стратегиялари доирасида қатор вазифаларни бажариш мажбуриятига эга бўлиб, Миллий кўмита халқаро ҳисоботларни тайёрлайди, иқлим бўйича миллий стратегик позицияни шакллантиради, донор ташкилотлар билан йирик лойиҳаларни жалб этади, Оролбўйи бўйича глобал ташаббусларни амалга оширади.

Қарорда кўмита фаолиятига бошқа давлат органлари ёки мансабдор шахслар аралашуви тақиқланиши белгиланган. Бу экологик назоратнинг холислигини, экологик ҳуқуқбузарликлар бўйича қарорлар қабул қилишда таъсирчанликни, коррупциявий омилларни чеклашни кучайтирувчи механизм сифатида баҳоланади. Кўмита собиқ Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг ҳуқуқий вориси ҳисобланиши ислохотларда институционал бошланғични йўқотмаслик ва ресурсларнинг

узлуксизлиги таъминланганини кўрсатади.

Хужжатда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган таҳлилий назорат маркази негизда Экологик мониторинг миллий маркази ташкил этилиши назарда тутилган. Мониторинг марказининг илмий аҳамияти шундаки, илмий-тадқиқотларда экологик маълумотларнинг мослиги, реал вақтда янгилашни, географик қамрови, халқаро стандартларга мувофиқлигини аниқлайди ва назоратга олади. Мониторинг маълумотлари асосида ҳудудлардаги қўлаш суръати, сув ресурсларининг ўзгариши, ҳаво ифлосланиш динамикаси, техноген хавфлар бўйича моделлаштириш ишларини амалга оширади. Марказ фаолияти экологик сиёсий қарорларни эмпирик маълумотларга асосланган ҳолда қабул қилиш имконини беради.

Қарорда Давлат экологик назорат инспекцияси – Экополиция фаолиятини мустақамлашга ҳам катта эътибор қаратилган. Бу фаолият экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашни янги модели бўлиб, атроф-муҳитга зарар келтириш ҳолатларини аниқлаш, давлат назоратини амалга ошириш, профилактика ва жамоатчилик билан ҳамкорлик, тезкор ва фавқулодда ҳолатлар

га жавоб бериш, ноқонуний дарахт кесиш, ер ажратил ва қурилишларга қарши кураш, ҳаво ва сувни ифлослантирувчи корхоналарни жойида назорат қилиш, экологик қонунбузарликка нисбатан маъмурий ва моддий жазони кучайтириш каби вазифаларни бажаради. Бу орқали экологик ҳуқуқни муҳофаза қилиш жараёни ҳуқуқ-тартибот органларининг ваколатлари билан яқинлаштирилган ҳолда кучайтирилади.

Шунингдек, ўрмон ҳўжалиги, гидрометеорология ва чиқиндиларни бошқариш соҳасидаги агентликлар раҳбарларининг Президент ва Президент администрацияси томонидан тайинланиши соҳадаги вертикал мувофиқлашувни кучайтиради, стратегик вазифаларни бажаришда масъулиятини оширади, соҳалар ўртасидаги интеграцияни яхшилайди. Бу, айниқса, иқлим ўзгариши каби кўп соҳавий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжатлар мамлакатнинг экологик барқарорлигини кучайтириш, иқлим ўзгаришига мослашув стратегиясини такомиллаштириш ва жаҳон стандартларига мос келувчи бошқарув моделини шакллантириш йўлида муҳим тарихий қадам ҳисобланади.



Гулчехра ЖЎРАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



ИШОНЧ – ҲАМКОРЛИКНИ БОҒЛАЙДИГАН МУСТАҲКАМ РИШТА

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.


Бу бевосита сайлов жараёнларида яққол исботи-ни топмоқда, яъни шаффофлик ва очиқликни таъмин-лашда жиддий аҳамиятга эга бўлмоқда. Масалан, 2024 йил сентябрь ойида О'zLiDePда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) кузатувчилар миссияси билан ўт-казилган учрашувда амалдаги қонунчиликни такомил-лаштириш, ёшлар ва аёллар фаоллигини ошириш, барча номзодлар учун тенг имкониятларни яратиш, сиёсий му-лоқот маданиятини шакллантириш каби долзарб маса-лалар муҳокама қилинган эди. Жорий йил 12 сентябрда эса Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) вакиллари билан мулоқот доирасида сай-лов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти-нинг ролини кенгайтириш ва жамоатчилик назорати ме-ханизмларини қўллаб-қувватлаш каби мавзулар кўриб чиқилди.

Албатта, бундай учрашувлар партиянинг демократ-ик жараёнларни нафақат вакиллик органларини шакл-лантириш воситаси, балки ҳар бир фуқаро учун танлаш, эркин, озод яшаш ҳуқуқини кафолатлайдиган ва мам-лакат келажагини белгилашда фаол иштирок этадиган сиёсий маданиятнинг асоси сифатида кўришини исбот-лайди.

Энди О'zLiDePнинг халқаро майдондаги амалий фаолиятига ҳам қисқача тўхталайлик. Шу йил апрель ойида Тошкентда Парламентлараро Иттифоқнинг 150-Ассамблеяси бўлиб ўтди, унда барқарор ривожла-ниш, глобал хавфсизлик, ижтимоий интеграция ва аҳоли турмуш сифатини оширишда парламентарийлар ролини мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилин-ган эди. Бу нуфузли тadbирда партиянинг халқаро пар-ламент мулоқоти маданиятини шакллантиришдаги фаол иштироки яққол сезилди.

Сиёсий куч ташқи фаолиятининг яна бир муҳим, барқарор йўналишларидан бири, бу Осиё сиёсий пар-тиялари халқаро конференцияси (ICAPP) фаолиятидаги иштирокидир. Ушбу ташкилот таркибида бугунги кунда 60 дан ортиқ давлатнинг 350 дан кўпроқ сиёсий партия-лари бирлашган. Демак, бу тажриба алмашиш, ривожла-ниш стратегияларини муҳокама қилиш ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун ўзига хос улкан сиёсий мулоқот майдонига айланганини алоҳида таъкидлашни истардик. Жорий йилда эса жиддий рамзий қадам ташланди: яъ-ни О'zLiDeP вакили – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раиси ўринбосари Бахтиёр Якубов бир овоз-дан ICAPPнинг раҳбар органи ҳисобланган Доимий Кен-гаш аъзолари сафига киритилди. Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу ташкилот Доимий Кенгашига, кам эмас ахир, 350 дан ортиқ сиёсий кучдан фақатгина 40 тагина партиядан вакиллар киритилган. Демак, шунинг ўзиёқ О'zLiDeP-нинг мазкур ташкилотдаги ўрни ва роли йил сайин тобора кучайиб бораётганини кўрсатади. Ва ўз навбатида бу эътироф ICAPP томонидан Ўзбекистонда амалга оши-рилаётган улкан сиёсий-ижтимоий ўзгаришларга юксак даражада баҳо берилаётганини ҳам тасдиқлайди.

Бунинг яққол исботи шуки, шу йилнинг 4 апрели-да партиямиз вакиллари ICAPP раҳбарияти билан ишчи тартибда алоқа ўрнатиб, ўртада изчил давом этаётган ҳамкорликнинг тизимлиги ва узоқ муддатли йўна-лиш дастурини тасдиқлашди. Шундан сўнг 18 августда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ICAPP делегацияси ва Корея Республикаси парламентарий-лари билан учрашув доирасида партиялараро мулоқот-ни янада кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорлик, ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш, инсон омилини ри-вожлантиришга қаратилган ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда доимий ҳамкорликни давом эттиришга қилишиб олинди.



Яна бир эътиборга молик жиҳати, О'zLiDeP ҳамда “Единая Россия” партияси билан 2019 йил июль ойида ҳамкорлик шартномаси имзоланган бўлиб, унда икки сиёсий куч ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, қо-нунчилик ташаббуслари, маҳаллий ўзини ўзи бошқа-риш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш дастурла-рини амалга ошириш соҳаларида мунтазам тажриба алмашиш механизмлари белгиланган. Улар орасида ҳу-дудларни ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларида ҳам амалий алоқаларга алоҳида эътибор қаратилади. 2025 йил 1 майда партиямиз делегацияси Москвада бўлиб ўт-ган халқаро симпозиумда иштирок этиб, партиялараро мулоқотни янада кенгайтириш бўйича самарали музо-каралар олиб борган эди. Буларнинг барчаси халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ва барқарор ри-вожланишининг замонавий моделларини биргаликда из-лашга имкон беради.

Кўп бора эътироф этилаётганидек, кейинги йиллар-да Ўзбекистон ва Хитой давлатлараро муносабатлар-нинг турли соҳаларида самарали ҳамкорликни изчил давом эттирмоқда. Икки давлат ўртасида сиёсий, ижти-моий, иқтисодий масалалар, жумладан, инновациялар, яшил энергия, экология, инсон ресурсларини риво-жлантириш, илмий тadbиркорлик ва бошқа йўналишларда кўппла келишувлар мавжуд.

Тан олиш керакки, йил сайин мустаҳкамланиб бора-ётган ҳамкорлик алоқаларининг тобора кучайишига ик-ки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги юқори даражадаги учрашувлар туфайли эришилди. Масалан, ўтган йилнинг 24 январиди Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Хитой раҳбари Си Цзиньпин барча соҳаларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янги босқичда ривожлантиришга қарор қилишди. Ҳамкорликнинг бар-ча йўналишларини кенгайтириш бўйича юксак даража-даги келишувлар ижроси доирасида Ўзбекистонга Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси аъзоси, ХКП

Марказий қўмитаси Халқаро бўлим бошлиғи Лю Цзянь-чао ташриф буюрди. Учрашувда хитойлик ҳамкасбла-римиз О'zLiDeP фаолияти, партиянинг мамлакатни ис-лоҳ қилиш жараёни ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ижросидаги роли билан яқиндан танишишди. О'zLiDeP ва ХКП ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланганди. Табиийки, бундай самимий мулоқотлар икки сиёсий куч ўртасидаги изчил ҳамкорликни муваф-фақиятли ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Яна бир муҳим жиҳати, О'zLiDeP ва ХКП ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам асосга эга. Масалан, партия-миз делегацияси ушбу сиёсий кучнинг “ХКП ва хорижий мамлакатлар сиёсий партиялари ўртасида юқори дара-жадаги мулоқот”, “Кучли сиёсий партияни қуриш: муам-мо ва истиқболлар” мавзусидаги форумлари, “Хитой – Марказий Осиё” сиёсий партиялар мулоқоти ва бошқа тadbирларида иштирок этганидан ҳам хабардоримиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Либерал-демократик пар-тияси билан Озарбойжоннинг “Янги Озарбойжон” пар-тияси ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик алоқалари ҳам муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида қайд этиш лозим. Бунинг яққол исботи, 2022 йилнинг ноябрь ойи-да О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитовнинг Озарбойжон Республикаси Прези-денти Илҳом Алиев билан ўтказган самимий учрашуви-ни партиямиз нуфузининг янада юксалишида ўзига хос тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин. Эслайлик, бундан уч йил аввал Озарбойжон Президенти мамлака-тимизда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борила-ётган улкан ислохотлар динамикасини юқори баҳолаган эди. Бу эътироф бугун амалда ўз тасдиғини топганига бутун дунё аҳли гувоҳ, десак муболаға бўлмайди.

Ёки шу йилнинг 17 октябрида Боку шаҳрида ўтказил-ган ICAPP Доимий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши-да О'zLiDeP вакили мазкур нуфузли Кенгашнинг аъзоси сифатида иштирок этгани ҳам алоҳида қайд этишга ар-зигулик воқеа бўлди. Ўз ишини “Миллий ўзига хослик-

дан глобал бирдамлик сари: янги дунёвий тартибнинг шаклланишида маданиятнинг ўрни” мавзусида амалга оширган мазкур Кенгаш иши Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг кириш сўзи билан очиб берилгани бежиз эмас. Асосий мақсад бугунги мурак-каб геосиёсий шароитда маданиятларнинг халқларни бир-бирига яқинлаштириш салоҳиятидан кенгроқ фой-даланиш, маданиятлараро ҳамкорлик орқали халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва яқинлик муҳитини шаклланти-ришдан иборат эди.

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг халқаро доирадаги фаолиятига мухтасар тўхталар экан-миз, Туркиянинг “Адолат ва тараққиёт” партияси билан изчил давом этаётган мулоқотларини алоҳида фахр билан эслаш жоиз. Шу йилнинг айна куз фасли боши-да мазкур партия раиси ўринбосари З. Сиракая бошчи-лигидаги делегация аъзолари билан кечган ажойиб уч-рашув ҳамон эсимизда. Туркия делегацияси таркибига, шунингдек, “Адолат ва тараққиёт” партияси раисининг туркийзабон давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик масала-лари бўйича ўринбосари К. Зорлу ва бошқа бир қатор расмий вакиллар кирган эди. Ана шу мулоқотда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов икки давлат ўртасидаги муносабатлар изчил тараққий этиб бораётганига тўхталиб, бевосита икки сиёсий куч-нинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари ҳам ўзига хос рамзий маънога эга эканини алоҳида ургулган эди.

Эътирофга лойиқ томони, “Адолат ва тараққиёт” партияси раиси ўринбосарлари З. Сиракая ва К. Зор-лу ҳам самимий ишончга асосланган алоқалар қардош икки халқни бир неча юз йиллар давомида бирлашти-риб турган бой тарихи билан ҳам боғлиқлигига тўхтал-ган эди. Айниқса, икки партиянинг халқ фаровонлиги-ни ошириш, мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланишини таъминлаш йўлидаги сазй-ҳаракатлари бир-бирига уйғунлиги, уларни амалга оширишда халқа-ро ҳамкорлик механизмларини ишга солиш ҳар икки то-мон учун ҳам манфаатли эканлиги қайд этилди.

Ушбу кузатувларимиз ҳали денгиздан бир томчи хо-лос. Икки миллиондан кўпроқ аъзоларни бирлаштирган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси келгусида ҳам халқаро алоқаларини янада кенгайтириш йўлидан дадил одимлайверади.



Азамат СЕИТОВ,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия
қўмитаси халқаро алоқалар ҳамда давлат
ва нодавлат ташкилотлар билан
ҳамкорлик бўлими mudiri, сиёсий фанлар
доктори, профессор

МУНОСАБАТ

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСКАРТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари

Аҳоли учун фаровон ва тўқис ҳаёт яратиш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Давлатимиз сиёсатида инсон манфаатлари, ижтимоий адолат устувор.

Шу боис кейинги йилларда аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик бор-лиги тан олинди, уни қисқартириш бўйи-ча алоҳида тизим жорий қилинди. Эътироф этиш керакки, сўнгги саккиз йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муносиб иш ўринларини яратиш, оилалар даромадини ошириш, турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди. Барча қарор ва дастурлар ҳар бир инсон-нинг, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг салоҳи-ятини тўлиқ рўёбга чиқариш учун имконият яратишга йўналтирилди. Давлат раҳбари-нинг қатъий сиёсати билан камбағалликка қарши кураш умуммиллий ҳаракатга айлан-ди. Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти институтлари билан ҳамкорликда халқаро тажриба асосида камбағаллик ме-зонлари ишлаб чиқилди.

Янгиланган Конституцияда пенсия, на-фақа ва ижтимоий ёрдамлар микдори ми-нимал истеъмол харажатларидан паст бўл-маслиги аниқ белгиланди. Янги ташаббуслар синовдан ўтказилди. Дунё амалиёти ўрганилди ва натижада камбағалликни қисқартиришнинг Янги Ўзбекистон модели яратилди. Манзилли ижтимоий дафтарлар жорий этилди. Шу йўл орқали эҳтиёжманд оилалар қамраб олинди. Жамиятнинг барча бўғинларини иш билан таъ-минлаш мақсад қилиб қўйилди. Маҳаллабай ишлаш тизими жорий этилди ва у ўзини тўлиқ оқлади. Ҳар бир хонадон билан индивидуал режа асосида иш олиб борилди. Оилалар да-



ромадини ошириш учун ресурслар ажратилди. Ҳар йили 2,5-3 млрд доллар маблағ маҳалла-ларни ободонлаштириш, одамлар турмушини яхшилаш ва тadbиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Қишлоқ аҳолисининг даромадини оши-риш учун пахта ва ғалла майдонлари қисқа-ртирилди. 30-50 сотих ер ажратишнинг янги механизми жорий қилинди. Бу юз минглаб одамлар даромадини оширишда муҳим қа-дам бўлди. Фаол тadbиркорлар кўмағида то-морқаларда юқори даромадли экинлар экиш ва ҳосилни кафолатли сотиш тизими йўлга қўйилди. Таъкидлаш лозимки, ҳар бир ҳудуд-да камбағалликдан чиқариш ва аҳолининг да-

Гулжан ХАЛМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

ромад олишини таъминлаш бўйича ўзига хос тажриба шаклланди. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир маҳаллада ишбилармонлик муҳитини яратиш ва оилаларга фаровонлик кириб бори-ши учун пухта ўйланган тизимли чора-tadbир-лар амалга оширилмоқда.

Шундай кенг қўламли ислохот ва сазй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағалликни 2 баробар қисқартириш бўйича олган мажбуриятини белгиланган муд-датдан олдин бажаришга интилмоқда. Қўйил-ган мақсадларга эришиш учун мамлакатда камбағалликдан фаровонлик сари дастури амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раислигида 19 но-ябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғи-лишида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сарҳисоби ҳамда 2026 йил учун устувор вазифалар муҳокама қи-линди. Ушбу дастур беш асосий ташаббусдан иборат бўлиб, ҳар бири иқтисодиётни ривож-лантириш ва аҳолига доимий даромад манба-лари яратишга қаратилган.

Биринчи йўналиш – қурилиш орқали аҳолини ишга ва даромадли қилиш. Кел-гуси йилда умумий 675 трлн сўмлик инвес-тиция лойиҳалари амалга оширилиши ре-

жалаштирилган ва шундан 380 трлн сўм тўғридан-тўғри қурилиш соҳасига йўнал-тирилади. 140 минг хонадонли кўп қават-ли уйлар барпо этиш орқали ҳар бир туман ҳокими қурилиш асосида 20-25 мингта, ин-фратузилма лойиҳалари орқали камида яна 10 мингта янги иш ўрни яратиш имконига эга бўлади. Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш учун биринчи марта ҳудуд-ларга 20 трлн сўм маблағ тўғридан-тўғри ажратилади.

Иккинчи йўналиш – сервис лойиҳаларини кўпайтириб, аҳоли бандлигини таъминлаш. Ту-ризм соҳаси 150 та туристик ҳудудни ривож-лантиришга жалб этилмоқда (ҳар бирига 3-5 млрд сўмдан ажратилади). Инфратузилма мо-дернизацияси натижасида хизматлар ҳажми яна 10 трлн сўмгача ошиши ва 45 мингта янги иш ўрни пайдо бўлиши кутилмоқда. Чегара ва анклав ҳудудларидаги 563 та маҳалланинг им-кониятларини ривожлантириш учун алоҳида 1 трлн сўмлик дастур ишга туширилади. Йўл ва соҳиллар бўйи сервисини такомиллашти-риш орқали йил ичида 50 минг кишини доимий ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Учинчи йўналиш – саноат лойиҳалари орқали доимий иш ўринларини кўпайтириш. 2026 йилга мўлжалланган мақсад: 52 млрд долларлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқа-риш. Бунга эришиш учун 22 млрд долларлик инвестиция ва 3,5 мингта маҳаллий саноат лойиҳалари амалга оширилади. Натижада 130 мингта доимий иш ўрни яратилади. Шунинг-

дек, мебель, тикувчилик ва хўнарамдчилик марказлари ташкил этилиб, 400 та маҳаллада 50 та микросаноат маркази қуриш орқали 10 минг нафар аҳоли банд қилинади.

Тўртинчи йўналиш – қишлоқ хўжалиги ҳисобидан аҳоли даромадларини ошириш. 232 минг гектар ер ажратилиши нотинч оилалар учун янги даромад имкониятини яратди, аммо кўпчиликда агротехник билымлар етишмайди. Шу сабабдан ҳар бир вилоятда 5 тадан то-морқа мактаби ташкил этилиши ва амалиётга йўналтирилган ўқувлар ўтказилиши кўзда ту-тилган. Бундан ташқари, тadbиркорлар билан ҳамкорликда маҳсулотни кафолатли сотишга қаратилган экспортчи кооперативлар ташкил этилади.

Бешинчи йўналиш – эҳтиёжманд оила-ларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш. “Тенг имкон – инклюзив бандлик” дасту-ри орқали 40 минг нафар ногиронлиги бўл-ган шахсларга иш ўринлари ташкил этилади. Эҳтиёжманд оилалар учун моддий ёрдам, бо-лалар нафақаси, боғча ва тиббий хизматларни ўз ичига олган 110 турдаги ижтимоий ёрдам 12 ой давомида сақланади. Шунингдек, иқти-содиётдаги 250 – 300 мингта “сося” иш ўрнини легаллаштириш учун кенг қамровли чора-tad-бирлар амалга оширилади.

Мухтасар айтганда, белгиланган беш та-шаббус иқтисодиётнинг барча тармоқлари-ни қамраб олади, натижада янги иш ўринла-ри яратилади, аҳоли даромадлари ошади ва ижтимоий ҳимоя янада мустаҳкамланади.

АКС-САДО

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги энг долзарб масалалардан бири – аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга бағишлангани бежиз эмас. Давлат раҳбари жаҳондаги тезкор иқтисодий ўзгаришлар, бозорда рақобат кундан кунга кескинлашаётган шароитда аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳар бир оилада барқарор иш ўрни яратиш, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муносиб ва фаровон ҳаёт кечирishiни таъминлаш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлади.

ҲАР ОИЛАГА
ДАРОМАД,
ҲАР ХОНАДОНГА
ТЎКИНЛИК

Таъкидланишича, аҳолини касб-хунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш ишлари янги босқичга кўтарилди, маҳаллаларда “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар” орқали ахтиёжманд тоифаларга манзилли ёрдам кўрсатилди. Кредит ва субсидиялар асосида кичик бизнес ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Худудларда янги иш ўринларининг ташкил этилиши минглаб фуқароларни доимий даромад манбаига эга бўлишларига замин яратди.

Бу ишлар давлат томонидан олиб борилаётган изчил, мақсадли ислохотларнинг амалий натижаси сифатида эътироф этилди.

Ҳўш, келгусида олдимизда қандай долзарб вазифалар турибди? Бу борада яна қандай масалаларга ечим излаш керак? Бу каби ҳаётий саволларга жавоб изланар экан, эндиликда мамлакат ижтимоий тараққиётида янги бир босқич бошлангани кутилаётганига урғу берилиб, яна бир қатор йўналишлар белгиланб олинди. Жумладан:

– худудларнинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда иш ўринлари яратиш дастурлари қайта ишлаб чиқилад;

– касб-хунарга ўқитиш тизими замонавий талабларга мослаштирилиб, бозорда талаб оқори бўлган мутахассисликлар бўйича янги йўналишлар очилади;

– маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлашда “бир маҳалла – бир лойиҳа” тамойили йўлга қўйилади;

– камбағалликни қисқартиришнинг ягона электрон платформаси орқали ҳар бир оиланинг ҳолати манзилли ўрганилиб, автоматлаштирилган дастурлар асосида қўлаб-қувватлаш чоралари белгиланб борилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, маҳалла – барча ислохотларнинг бош бўғини. Шу боис келгусида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбир ва механизмлар айнан маҳалла тизими билан ҳамбарчас боғлиқ тарзда, манзилли ва самарали амалга оширилади.

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг марказида инсон манфаатлари тургани яна бир бор таъкидланди. Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш нафақат иқтисодий сиёсатнинг устувор мақсади, балки жамият барқарорлигини таъминлашдаги энг муҳим омил экани қайд этилди.

Ўйлаймизки, Янги Ўзбекистон тараққиётида муҳим тарихий босқич сифатида қайд этилган бу каби вазифалар ҳар бир маҳаллада, ҳар бир оилада ҳар бир фуқаронинг турмуш даражасини яхшилаш, янги имкониятлар яратиш ва мамлакат иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлида ижтимоий адолатни қарор топтириш, фаровонлик ва юксак ҳаёт сифатини таъминлашга хизмат қилади.

Шу маънода ушбу йиғилишда юртбошимиз томонидан белгиланб берилган ҳар бир вазифа O‘zLiDeP аъзолари, жумладан, маҳаллий кенгаш депутатлари учун ҳам аниқ йўл-йўриқ, амалий дастур вазифасини бажаради. Худудларда бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли турмуш сифатида бевосита таъсир кўрсатувчи иқтисодий чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш – бугунги кунда давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлигини талаб этувчи кенг қамровли йўналишдир.

Биз зиммамиздаги барча масъулиятни тўла англаган ҳолда, маҳаллаларда аҳоли билан бевосита мулоқотга киришиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларнинг ўз жойида, кенчиктирмасдан, сифатли ижро этилишини таъминлашда масъуллигимизни унутмайлик.

Асосий талаб шу: ҳар бир оилада барқарор даромад манбаи бўлиши, ёшлар ва аёллар бандлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳаммамиз учун ҳаётий вазифа, ғоят масъулиятли бурчдир.



Собиржон ЖУМАНИЯЗОВ,
O‘zLiDeP Хоразм вилоят
кенгаши раиси, Халқ депутатлари
вилоят кенгаши депутати

ШУКУҲ

УЧҚУДУҚ ОЛТИНИ:
ИЛМ ВА ЖАСОРАТ ЁЗГАН 30 ЙИЛЛИК ТАРИХ

Республикамиз иқтисодиётида, қолаверса, жаҳон саноатида ҳам ўзининг муҳим ва мустаҳкам ўрнига эга “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг тарихий муқаддимаси Учқудуқ тупроғидан – Шимолий кон бошқармасидан бошланади. Бугунги кунда ҳам ушбу корхонада амалга оширилаётган илмий-технологик жараёнлар жаҳон кон-металлургия саноатида ўзига хос, ноёб ва юқори самарадорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.



Қарийб 14 минг нафар ишчи-ходим фидокорона меҳнат қилаётган Шимолий кон бошқармаси турли соҳалар ва тармоқларни, мураккаб илмий тажриба ва замонавий технологияларни ўзида мутасаммат этган улкан ишлаб чиқариш маскани бўлиб, бир сўз билан айтганда, ҳар сонияси илмга таянган олтин ишлаб чиқариш корхонасидир. Кончи азаматлар томонидан қазиб олинган маъдан таркибли тошлар кейин металлургия тармақига юборилиб, 3-сонли Гидрометаллургия заводида қайта ишланади ва олтин ҳолига келтирилади.

Жорий йилда саҳрода яратилган қудратли техник ва технологик салоҳият, инсон заковати маҳсули саналимиш 3-сонли Гидрометаллургия заводи ишга туширилганига 30 йил тўлди. Шимолий кон бошқармасининг олтин ишлаб чиқаришдаги асосий босқичлари айнан мана шу масканда амалга оширилади. Шу боис уни халқимиз орасида “Олтин заводи” деб аташ одатга айланган.

Умумий таркибидан бир неча цех, участка ва бўлимлари жамлаган мазкур корхона улкан илмий-технологик шахарга қиёсланса, муболаға бўлмайди. Заводнинг Йирик майдалаш цехи корхонанинг остонаси саналади. “Қоқпатас” ва “Довғизтов” карьерларидан ташиб келинган маъданли тошлар юкланган думпкарлар мана шу цех дарвозасидан кириб келади. Цехдаги улкан майдалагич катта ўлчамдаги тошларни 250 мм гача майдалайди. Майдалаш жараёнида қалин харсанглар бир зумда майинлашиб, қия конвейер шахтаси орқали кейинги технология босқичларга йўл олади. Конвейер галереясининг ёруғликда ёлқинланиб турган узун йўлагига улуғ аллома Мирзо Улугбекнинг расадхонасини ёдга солади: у ерда ҳам илм нуридан куч олган жараёнлар кечган. Биргина фарқ шундаки, бу цехда залворли меҳнати билан ер тагидан “юлдуз” топиб, Ватан равнақи учун тақдими этаётган меҳнаткашлар фаолият юритмоқда.

Йирик майдалаш цехидан ўтган маъданнинг олтинга айланиш йўлидаги навбатдаги манзили Майдалаш цехидир. Бу ерда маъданни қайта ишлашга доир бар-дай шахслар ҳар куни туғилавермайди. Уларни Ватан равнақи, халқ тинчлиги ва юрт келажаги учун хизмат қилишдек шарафли масъулият тарбиялайди ва камолга етказилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида фидокорона меҳнат қилаётган минглаб мутахассислар чин маънода бугунги кун қаҳрамонларидир. Уларнинг сазой-ҳаракатлари туфайли юртимиз иқтисодиёти мустаҳкамланмоқда, мамлакатимиз нуфузи янада юксалмоқда. Худуддаги хомашё захираси нафақат катта маблағлар асосида барпо этилган 3-сонли Гидрометаллургия заводи, балки бутун Учқудуқ шахри ва унда яшовчи минг-минглаб аҳолининг истиқболлини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади.

Эл бошига иш тушса, шердек ғайратли, ватанпарвар мутахассислар майдонга чиқади, деганлари рости. Бинобарин, вазият жиддий эътиборни, тезкор ва илмий ёндашуви талаб қиларди. Олтин корхонаси тараққиёти учун кўксини Ватанга бағишлаган мутахассислар узоқ йиллар давомида тинмай изланиш олиб бордилар. Гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз кечган бундай тажрибалар барибир ўз самарасини берди. Жаҳон тан олган инноватор компания – Жанубий Африканинг “BIO MIN” корпорацияси томонидан таклиф этилган, экологик тоза, энерготежамкор ва технологик жараёнларни бошқариш учун қулай сульфидли маъданларни биологик оксидлаш технологияси танлаб олинди. Мажмуанинг биринчи босқичи 2008 йил 12 апрель куни фойдаланишга топширилган эди.

Энг илғор технологияларга асосланган ушбу мажмуа заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини бир неча баробарга ошириш имконини яратди. Орадан 17 йил ўтиб, бугун завод мутахассислари бир пайтлар ёт ва мураккаб туюлган технологик жараёнларнинг етук билимдони ва муваффақиятли бошқарувчисига айланди.

Илм-фаннинг равнақи доимий янгиланиш ва такомиллаштиришни, инновацион ёндашувларни талаб этади. 2009–2019

даш шахслар ҳар куни туғилавермайди. Уларни Ватан равнақи, халқ тинчлиги ва юрт келажаги учун хизмат қилишдек шарафли масъулият тарбиялайди ва камолга етказилади.

Навоий кон-металлургия комбинатида фидокорона меҳнат қилаётган минглаб мутахассислар чин маънода бугунги кун қаҳрамонларидир. Уларнинг сазой-ҳаракатлари туфайли юртимиз иқтисодиёти мустаҳкамланмоқда, мамлакатимиз нуфузи янада юксалмоқда.

Худуддаги хомашё захираси нафақат катта маблағлар асосида барпо этилган 3-сонли Гидрометаллургия заводи, балки бутун Учқудуқ шахри ва унда яшовчи минг-минглаб аҳолининг истиқболлини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади.

Эл бошига иш тушса, шердек ғайратли, ватанпарвар мутахассислар майдонга чиқади, деганлари рости. Бинобарин, вазият жиддий эътиборни, тезкор ва илмий ёндашуви талаб қиларди. Олтин корхонаси тараққиёти учун кўксини Ватанга бағишлаган мутахассислар узоқ йиллар давомида тинмай изланиш олиб бордилар. Гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз кечган бундай тажрибалар барибир ўз самарасини берди. Жаҳон тан олган инноватор компания – Жанубий Африканинг “BIO MIN” корпорацияси томонидан таклиф этилган, экологик тоза, энерготежамкор ва технологик жараёнларни бошқариш учун қулай сульфидли маъданларни биологик оксидлаш технологияси танлаб олинди. Мажмуанинг биринчи босқичи 2008 йил 12 апрель куни фойдаланишга топширилган эди.

Энг илғор технологияларга асосланган ушбу мажмуа заводнинг ишлаб чиқариш қувватларини бир неча баробарга ошириш имконини яратди. Орадан 17 йил ўтиб, бугун завод мутахассислари бир пайтлар ёт ва мураккаб туюлган технологик жараёнларнинг етук билимдони ва муваффақиятли бошқарувчисига айланди.

Илм-фаннинг равнақи доимий янгиланиш ва такомиллаштиришни, инновацион ёндашувларни талаб этади. 2009–2019

йиллар давомида “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан уч мингдан ортиқ тажрибалар ўтказилди. Албатта, рақамлар тили билан айтганда, ўн йил дейиш осон, бироқ бу давр давомида заводидаги техник-технологик муаммолари, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ва улкан масъулият юки мутахассисларни мунозарадан, татқиқотдан, илмий баҳслардан асло четлатмади. Аксинча, уларнинг қалбидаги изланиш олови янада кучайди.

Заводда “Қоқпатас” ва “Довғизтов” конларининг ишланиши қийин бўлган маъданларидан олтин ажратиб олиш технологиясини такомиллаштиришга қаратилган, жаҳон кон-металлургия саноатида муҳим инновация сифатида эътироф этилган Филтрлаш, қуриштиш ва куйдириш цехи барпо этилди. Янги технологиянинг амалиётга татбиқ этилиши туфайли аввал саноат чўқиндилари хўжалигига юборилган, бироқ таркибида маълум миқдорда олтин сақлаган масса яна юрт хазинасига қайтарилди.

Дарҳақиқат, завод ривожланиши, илмий-техник истиқбол изланишлари бир кун ҳам тўхтаб қолмади. Бу маскан нафақат ишлаб чиқариш ҳудуди, балки ўз соҳасида фан доктори даражасига эга бўлган кўплаб мутахассислар учун ҳақиқий амалиёт мактаби вазифасини ҳам ўтаб келмоқда.

Заводда ўз соҳасининг фидойилари, уйғоқ қалбли, илм билан яшовчи билимдон мутахассислар меҳнат қилган ва бугун уларнинг давомчи-шоғирдлари эришиб келаётган ютуқлар металлургия саноатининг порлоқ келажагига ишонччи янада мустаҳкамлайди.

Ўттиз йиллик байрами нишонлаётган завод бугун юз йилликларга татиқлик меҳнат хиромонини ортага ташлаган ҳолда жонажон Ватанимиз тараққиётига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Бу муваффақият замирида жамоадаги қатъий тартиб-интизом, ҳар бир ходимнинг шахсий жавобгарлиги ва юксак меҳнат масъулияти мужассам.

Ушбу завод жамоаси учун Навоий кон-металлургия комбинатидек улкан масканда фаолият юритиш ўзига хос фахру ифтихор рамзидир. Уларнинг бахти, саодати ва меҳнатидан қақнаётган нур – Янги Ўзбекистоннинг фаровонлиги, тараққиёти ва ёрқин истиқболи учун бағишланган самарали меҳнатнинг гўзал муқофотиридир. Мутахассисларнинг бедор қалби, илмий изланишларга бағишланган ҳаёти бу юксак йўлга энг қимматли қудир.

Бу бедорлик улуғ йўлга чиққан жасорат соҳиблари учун янада ишонч, тегишлик ва ғайрат бағишлайди. Зеро, қўлларидан “олтин туғилаётган” завод вакиллари катта-кичик юмушларга эмас, балки юрт тақдирига боғлиқ улғувор ишларга дахлдорлиги билан қадрлидир.

Нилуфар МЎЙДИНОВА,
“Навоий кон-металлургия комбинати”
АЖга қарашли Шимолий кон
бошқармаси ходими

МУҲОКАМА

НАФАҚАТ ИШТИРОКЧИ, БАЛКИ ТАШАББУСКОР ҲАМ

Айни кунларда “Ўзбекистонда 2026 – 2030 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёни қизғин давом этмоқда.

Жиззахда бўлиб ўтган лойиҳа муҳокамасига бағишланган давра суҳбатига фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳалла уюмиси фаоллари, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгаш депутатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ННТлар миллий ассоциацияси, Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюмиси билан ҳамкорликда ташкил этилаётган жамоатчилик муҳокамалари, фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайди. Уларни ягона мақсад – очик, фаол ва адолатли жамият қуришга йўналтиради.

Концепция лойиҳаси мамлакатда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган.

Муҳокамаларнинг асосий мақсади ҳужжатни марказдан эмас, балки жойлардан бошлаб, фуқароларнинг ўз ташаббуслари ва таклифларига таяниб шакллантиришдир.

– 2021 – 2025 йилларда фуқаролик



жамиятини ривожлантириш концепцияси бир қатор самарали ишларимизга асос бўлди, – дейди “Юксалиш” ҳаракати халқаро ННТ Жиззах вилояти худудий бўлинимаси раҳбари Музаффар Маматкулов. – Жумладан, аҳоли билан очик мулоқот олиб боришнинг янги самарали воситаларини жорий этиш мақсадида давлат органлари ҳузурда жамоатчилик кенгашлари фаолияти йўлга қўйилди. Сўнгги тўрт йилда фуқаролик жамиятининг энг асосий институти ҳисобланадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари

сонини 20,7 фоизга ошди, жумладан, 187 та йирик республика нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1 270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдорда маблағлар ажратилди.

Фуқаролик жамиятининг ҳозирги ҳолатини ва ривожланиш имкониятларини аниқлаш, ННТларнинг ҳуқуқий асослари ва молиявий барқарорлигини мустаҳкам-

лаш (грантлар, субсидиялар, ижтимоий буюртмалар, ижтимоий тадбиркорлик), давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг қарор қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш, кўнгиллилик ва маҳалла тизими билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, фуқаролик жамияти институтларини рақамлаштириш, янги технологияларни жорий этиш ва уларнинг медиамақондаги фаоллигини ошириш каби йўналишлардаги муҳокамаларда фақат танқидий фикрлар эмас, балки аниқ ечимлар, амалий таклифлар ва ижобий ташаббусларга урғу берилаётгани эътиборга молик. Ҳар бир ҳудудда мавжуд ижтимоий-иқтисодий хусусиятлар, жойлардаги тажриба ва ташаббуслар инобатга олинмоқда.

Ташкилотчиларнинг фикрича, бу муҳокамалар фуқаролик жамияти институтлари ислохотларнинг нафақат иштирокчиси, балки бевосита ташаббускори эканини яна бир бор кўрсатмоқда. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган фаол фуқаролик, очик бошқарув ва ижтимоий шериклик тамойилларини рўйга чиқариш айнан шундай ташаббускорлик орқали амалга ошади.

Жиззах вилоятидаги муҳокамалар қизғин кечиб, ўндан ортиқ таклифлар шакллантирилди. Улар концепция лойиҳасини ишлаб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



“ОКЕАН” ГА ЙЎЛАМАНГ, ҒАРҚ БЎЛАСИЗ

ЁХУД ОНЛАЙН ҚИМОРДА ЮТҚАЗГАН БАНК ХОДИМИНИНГ АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ

Инсонда тафаккур бўлмаса, атрофдаги воқеа ва ҳодисалардан тўғри хулоса чиқаролмаса қийин экан. Бўлмаса, онлайн қимор ва унинг аянчли оқибатлари, унга йўламаслик ҳақида оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда кунда бўлмаса, кунора бонг уриляпти. “Фалончи таваккалчиликка асосланган ўйинлар ўйнаб, бор будини бой берибди, уйини сотибди...”, “Писмaddonчи онлайн қиморда ютқазиб қўйгани учун ўз жонига қасд қилибди” ёки “Мақтаб ўқувчиси қўл телефонидagi онлайн ўйинга берилиб, катта пулга тушибди, сўнг...”.

Ахборотларнинг оғирлигидан юрагинг безиллайди. Ўша қора кун бошига тушган ота-оналарнинг фарзанд доғидан қуйиб кетган юз-кўзлари келади кўз олдинга, охлари қулоғингни қоматга келтиради. Навқирон турмуш ўртоғидан айрилган, орзулари бир олам жувоннинг бир кечдада кампирдек букилиб қолган гавдасига қарашга бет-лолмайсан...

Аслида, бундай машъум ахборотлар нима учун оммага етказилади, бошқалар бундай хавфнинг, ҳаром ишнинг, бекорчиликнинг оқибатини кўриб, ундан нари бўлсин, деган мақсадда-да! Афсуски, бундай қайтариқ ҳаммага ҳам сабоқ бўлмас, ҳамма ҳам қайтмас экан. Билатуриб ўзини ўтга солаверадиган тоифалар ҳам бор экан.

Икки фарзанднинг отаси, гулдек оила устунни Ҳусан Мардонов (исм-фамилиялар ўзгартирилди) навқирон 34 ёшда. Нуфузли банкнинг Самарқанд вилояти бўйича эмиссия ва эквайринг гуруҳи (банкоматларга пул жойлаш бу гуруҳнинг вазифасига киради) менежери бўлиб иш бошлаганига эндиgina уч ой бўлган эди. Уйқуси қочган тунларнинг бирида телефон титқилаб туриб, онлайн қиморга дуч келди, ўйнагиси келиб қолди. “Бир мартагина ўйнайман”, дея ўзига ваъда бериб, адогсиз “океан”га шўнғиди. “Океан” катталари – “акула”лар адашиб тушиб қолган “балиқча”ни дарҳол пайқашиб, таомилларига биноан дастлаб унга “рағбат” бериб туришди. “И-я, ютса бўлар экан-ку? Яна бир ўйнаб кўрай-чи?” дея Ҳусан тонггача тубсиз сув остида қолди.

Кундузи ишда уйқусираб, қаддини зўрма-зўраки кўтариб юрди. Бир хаёли тезроқ кеч бўлса-ю уйига бориб тўйиб ухлашни, бир хаёли ғалаба нашидасини яна суришни, ютуқларини катталаштириб, маблагини кўпайтиришни истарди. “Ҳисоб-китобни яхши биламан, шу боис ютдим”, дея ўзини мақтаб ҳам кўярди ичиди. Иш кунини амаллаб нияҳосига етказиб, оиласи бағрига кета-кетгунича рўлда тетиклантирувчи ичимлик ичиб кетди. Уйқуга чоғланган эдиямки, ичимлик қувватиданми ё ютиш ҳумори бошланганидани, ўзини анча тетик сеза бошлади. Қўлига мобил телефонини олиб, яна кечаги “океан” бўйига бориб қолди ва “Охирги марта!” дея унга шўнғиди. “Балиқча”нинг чуқук сув таъминини қўмсаб қайтганини сезиб суюнган “акула”лар уни ҳар томондан ўраб олишди. Ҳумори босилиши, ўзини яхши ҳис қилиши учун яна устма-уст рағбатлантиришди. Бундан рухланган Ҳусаннинг “охирги марта”си бир неча мартага кўпайди. Ютуқлар, пуллар, ғолиблик нашидаси! Ана шу лаҳзаларда “балиқча” бу ҳавзада янгилиги, тажрибасизлиги, урвоқдеклигини унутди-қўйди. Унинг сармаст ҳолга келиб қолганини сезган “акула”лардан бири унга ташлабди, жигилдониди йиққан захиралари билан ютиб юборди!

Бу тун ҳам ухламай тонг оттирди, мағлубият аламитинчилик бермади, ич-этини кемирди. Энди бой берган пул-



ларини қайтариб олишга қасд қилди. Ўзига тўқ танишидан қарз олиб, уйинга тикди. Яна омади чопмади. Бошқа бир ўртоғидан қарз кўтариб ўйинга тикди, яна бой берди, ютқазганда ҳам каттагина ютқазди. Хуллас, Ҳусаннинг тинч, беғалва кунлари беҳаловат, заҳарлисига алмашди. Ишдан сўнг болаларини елкасига миндириб ўйнатиш у ёқда турсин, томоғидан сув ҳам ўтмай қолди. “Машгулот”га берилиб кетганидан кун-ойларнинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолди, қарз берган танишлари сим қоқиб, пулларини қайтаришни сўрай бошлашди. Энди қарз сўрай оладиган таниши қолмади ҳисоби. Қолаверса, аянаям кўп пул керак. Фақатгина битта йўли қолди...

– Банккоматнинг диспенсери бўзилибди, уни таъмирлаш учун сейфининг калити керак, – деди Шерзод 2025 йил 24 февраль кунни банккоматларга пул тўлдириш учун кетаётган гуруҳ (кассир, Миллий гвардия ходими, ҳайдовчилар ва техник ходим)даги ҳамкасбларидан бирининг телефонига кўнғироқ қилиб. – Сизлар улгурмаслигингиз мумкин, мен шу томонга бораянман, калитни берсаларингиз ўзим таъмирлайман. Тўхтаб туринглар.

Ҳамкасбининг гапига ишонган кассир ва шериклари тезда етиб келган Шерзодга калитни топширишди. Ўзлари эса йўллариди давом этишди. Калитни қўлга киритган Шерзод тезликда Самарқанд шаҳар “Мусо Хонкелди” савдо ма-

жмуасига кириш дарвозаси олдида жойлашган банккоматнинг олдида келиб, аввал камерани ўчирди, сўнг уни очиб, йирик купорларни машинасига жойлади. Ишни битиргач, камерани ёқиб қўйди. Нақд пулларни бошқа банк кассасидан ўзининг номига расмийлаштирилган пластик картага кирим қилиб олди ва ўйинларига тикиб юборди. Эрта, индин ҳам бу ишларини такрорлади ва ушбу банккоматдан жами 158 млн 500 минг сўмни ўзлаштиришга эришди.

Унинг нафси шу билан тўйганда ҳам майли эди, дерсиз, аксинча, ҳақалак отгандан отдики, асло тўхтамади. Ўша кунлари Самарқанд тумани Қайнама маҳалласидаги Фотиما Қосимова бекати олдидаги банккоматдан ҳам бўлиб-бўлиб 441 млн 500 минг сўм, Пастдарғом тумани Чортут маҳалласидаги банккоматдан 437 млн 400 минг сўмни “ухлатди”. Хуллас 6 кундаёқ оз эмас, 1 млрд 37 млн 400 минг сўмни ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Қилни қирқ ёрган “ўйинчи” бир кун қилмиши фош бўлиб қолса ўғирланган пулларни ташигани учун шахсий автомашинаси мусодара бўлишини англаб ва ўзича бунинг олдини олиш мақсадида уни қўвви номига ўтказиб, расмийлаштириб қўйди.

Айни кунларда бозорга келган мижозлар банккомат ишламаётгани ҳақида шикоят қилмаганида қиморбознинг ўғрилиги яна қанча давом этарди, у ёғини худо билади. Вазият жойига чиқиб ўрганилганида, хусусан, банккоматлар

турган қутиларнинг орқа эшигини очишганда ячейкалар бўш тургани, камомадлар ва ушбу банккоматлар жойлашган атрофдаги видео кузатув камералари ёзувлари ўрганилганида ҳаммаси аён бўлди.

Суд ҳайъати судланувчи Ҳусан Мардоновнинг дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловини муҳокама қилиб, унинг такроран жуда кўп миқдордаги ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблади. Унинг ўзи ҳам айбига иқроорлик билдирар экан, уяли телефони орқали “1X-Bet”, “LineBet” ва бошқа қимор ҳамда тавакалчиликка асосланган онлайн тотализатор ўйинларида ўйнашни бошлаганини, кўпинча ютқазганини, лекин ҳар сафар ушбу пулларини қайтариб олиш ва уларни кўпайтириш мақсадида мунтазам ўйнайдиган бўлиб қолганини, пули қолмаганда, яъни ютқазган вақтда аввал танишларидан қарз олиб ўйинга тиккани, сўнг банккоматни ўмарганини, қилмишидан пушаймонлигини айтди. Унинг жиноят содир этишдаги ҳолати муҳокама қилиниб, айбига тўлиқ иқроорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмагани жазони енгиллаштирувчи; ғараз ниятларда жиноят содир этгани эса оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳоланди. Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга қўлланилади” талабига риоя қилган ҳолда уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас, деган қатъий хулосага келиниб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш лозим топилди.

Шунингдек, ушбу қарорнинг “Айбдор ўзи эгалаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолатда, суд жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт”лиги талабига кўра, унга 3 йил муддатга муайян, яъни барча турдаги давлат корхона, ташкилот ва муассасаларида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳам қўлланди. Ундан банк ҳудудий бошқармаси фойдасига 1 млрд 37 млн 400 минг сўм моддий зарар ундирилди деган бўлди. Жиноят иши бўйича жиноят қуроли деб эътироф этилган “Нексия-3” русумли автомашина эса давлат фойдасига ўтказилди.

Энг ёмони, у энди оиласи ва дилбандлари бағрида 10 йил бўлмайди. Бугун 8 ёшдаги фарзанди у қайтганида 18 ёшга етган бўлади. Бу вақтда оила аъзоларининг кўча-қуйда эгилган бош, дилда оғир тош билан ғурбатда кун кечириши эса... ҳаммасидан аянчли.

Ана шуларни ўқиб ҳам қўзимиз очилмаса, айтинг, қачон очилади?

Одил АЛЛАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Тойлоқ туман суди раиси,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ЖУМБОҚ

ҒАЛАТИ SMSЛАР СИЗГА ҲАМ КЕЛЯПТИМИ?

Бир йиғилишда қатнашишим заруригини хабар қилишди. Кечикмаслик учун таниш иловадан такси буюртма бердим. Аксига олиб, ўша кунлари магнит бўрони сабаб иловалар ҳам “ақлдан озиб” ётган экан. Ҳалиги машина серкатнов йўлининг нариги томонига келиб тўхтади.

Киракашларни биласиз, “нақд – бир қоп ёнғоқ”. Носоз иловадан бошланган суҳбат ажабтовор шикоятга эврилиб кетди: айтишчи, ўғли анча пайтдан буён ишсиз экан. Иши ўхшайвермагач, унга автомобиль ижарага олиб, такси хизматига чиқишни маслаҳат берибди. Шунда қутилмаган муаммога дуч келишибди. Маълум бўлишчи, ўғлининг номида автомобиль бўлмаса ҳам, унинг қўл телефонига бир йил давомида турли жарималар белгилангани ҳақида хабарлар келиб турган. Лекин у бу хабарларни умуман ўқимаган ё эътиборсиз қолдирган. Киракашнинг таъкидлашича, “жарима баллари” тўплагани бориб, унга ҳайдовчилик ҳуқуқини саккиз ойга чеклаб қўйишига сабаб бўлибди. “Ҳали гувоҳномани олганидан бери рулга ҳам ўтирмаган эди”, деб ёзғирди у.

Ҳайдовчи гапирар экан, ялт этиб хаёлимга менинг телефонимга ҳам келган SMSлар тушди. Шоша-пиша уларни очиб кўрдим. Шахсий автомобилим йўқ бўлса ҳам, 2025 йил 18 июль санасидан буён менга ҳам 6079 қисқа рақамдан олти маротаба жарима белгилангани ҳақида хабар келган. Ажабланарлиси шундаки, биринчи хабарномада Тошкент вилоятига мансуб автомобиль рақами кўрсатилган бўлса, кейинги хабарларда Сирдарё, Хоразм, Қорақалпоғистон ва нихоят Андижон вилоятларига тегишли автомобиль рақамлари қайд этилганди.

Гўё мамлакат бўйлаб айланиб юриб, ҳали бу машинада, ҳали бошқасида йўл қондасини бузганмисман. Ваҳоланки, пиеда бўлсам-да, ўтган олти ой мобайнида пойтахтдан бошқа жойга сафар ҳам қилганим йўқ.

Дастлаб ҳужжатга менинг рақамимга ўхшаш телефон рақами тиркалаётган пайти би-

рорта рақами адашиб териблиб кетгандир деб ўйлаган эдим. Аммо кейинчалик олти ойда нақд олти маротаба адашиб мумкинми, деган табиий савол пайдо бўлди?! Қолаверса, телефон рақамини яқинда ишлатишни бошлаганимда ҳам бошқа гап эди. Жиллакурса, “рақамнинг эски эгасидан қолган жарималар” бўлса керак деган хулосага берган бўлардим. Аммо бу рақамни салкам ўн йилдан буён ишлатаман-ку!

Аксига олиб, юборилган хабарда боғла-ниш учун бирорта телефон рақами ҳам қолдирилмаган. Энг қизиғи, ҳар бир хабарнинг поёнида бир хил жумла такрорланади: “**Ба-тафсил маълумотни Safe Road иловасидан олинг**”.

Ҳақиқатни билиш мақсадида иловани юклаб, охириги рақамни киритдим. Бироқ илова хизмати мендан **техпаспорт серияси ва рақамини** сўради. Менда автомобиль ҳам, унга тегишли ҳужжат ҳам йўқ. Натижада менга юборилган жариманинг қаерда, қачон, қандай ҳолатда қўйилгани ҳақида маълумот олишнинг сира имкони бўлмади.

Иш билан бўлиб бу воқеалар ёдимдан кўтарилган экан. Яқинда бир ҳамкасбим ёри-либ қолди: таъкидлашча, унга бегона бир киши кўнғироқ қилиб, “Уйимга жарима хати келди, лекин огоҳлантириш SMSлари сизнинг телефон рақамингизга юборилган экан, жарима белгиланганини олдинроқ билмабман, шунинг учун имтиёзли тўлов муддатини ўтказиб юбордим”, дея надомат кечибди. “Ўзимни гўё бунда айбдордек ҳис қилдим”, дейди ҳамкасбим ҳайрат аралаш.

Уни тингларканман, бу ҳолат фақат мен ёки таксичининг ўғли билан содир бўлмагани,



балки SMSда “адашган”лар яна кўпчиликни безовта қилган бўлса ажаб эмас, деган хаёлга бордим.

Ҳақли савол туғилади: хўш, муаммонинг илдизи қаерда? Нега кимдир жарима белги-ланганидан беҳабар имтиёзли даврни ўтказиб юборяпти? Мақсад имтиёздан маҳрум қилишми ёки кўпроқ жарима ундириш? Ёки биз билмаган, тушунмаган бошқа сабаблар ҳам борми-кан?

Одатда бундай ҳолатлар учун “навбатчи жавоб” бор: яъни техник носозлик содир бўлгани айтилиб, тизимдаги кичкина камчи-

лик сифатида баҳоланади. Аммо электрон хизматлар, рақамли идентификация, автоматлаштирилган камералар даврида яшаб туриб-миз. Тизимлар аниқ ишлаши, ҳар бир фуқаро маълумоти тўла-тўқис бўлиши керак эмасми?! Бундай хатолар бир-икки кишининг эмас, минглаб фуқароларнинг ҳуқуқларига дахл қилиш-ку! Молиявий зарар, вақт йўқотилиши, руҳий босим – буларнинг барчаси жамият учун жиддий муаммо. Ахир бу оддий техник хато эмас, ижтимоий адолат масаласи.

Шу ўринда мутасаддиларга очик савол билан мурожаат этмоқчиман. Нега бегона ав-

томобиль рақамларига қўйилган жарималарнинг огоҳлантириш хатлари бошқа одамларга юборилмоқда? Бу хатоларнинг асл сабаби нимада? Жарималар бўйича маълумотлар базасидаги номувофиқликлар қачон бартараф этилади?

Ахир ҳеч ким “**айбсиз айбдор бўлиб, емаган сомсасига пул тўлаш**”ни истамайд-ку! Шундай экан, ушбу масала бўйича **аниқ, очик ва расмий тушунтириш** кутиб қоламиз.

Абдулла ЧИМИРЗАЕВ,
“XXI asr” мухбири

Қозоқбой ЙЎЛДОШ:

ҒУРУРЛИ ОДАМ КИБРЛИ БЎЛМАЙДИ

Бугун жамиятимиз янада очиқ, фаол мулоқотга ташна. Фикрлар тўқнашувидан янги ғоялар, янги ёндашувлар туғилади. Педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдош ўйлаганини айтган, айтганини яшаган ноёб шахслардан бири. Унинг турли оммавий ахборот воситаларига берган интервью ва суҳбатлари жонли ва жасоратли кечиши билан эсда қолади. Айниқса, ижтимоий ҳаёт, маънавий тараққиёт, тил ва адабиёт каби долзарб соҳаларда жамиятни олға қадам ташлашга чорловчи ғоялари эътиборли. Қуйида олимнинг ана шундай суҳбатларидан сараланган айрим фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Ўзбек миллатининг бой маънавий меросга эгаллиги чин. Бу мерос биринчи навбатда халқимизнинг яхшилик ва ёмонлик борасидаги тасаввурлари, тўхтамлари ва турмуш тарзида намоён бўлади. Илмда халқ педагогикаси деган тушунча бор. Бу педагогиканинг муаллифи номаълум, талаблари ҳам қоғозга ёзиб қўйилмаган. Лекин унга риоя этиш миллат аҳли учун мажбурий. Ёши катталарни ҳурмат қилиш, аёлларга қўмак бериш, атрофдагиларга малол келадиган тўтуллардан тийилиш, ҳаттичликдан ажралиб қолмасликка уриниш сингари жиҳатлар айнан халқ педагогикаси талаблари натижасида пайдо бўладиган эзгу маънавий сифатлардир.


Ўзбекининг неча асрлик оғзаси ва ёзма адабиётида ҳам кўплаб ана шундай эзгу маънавий сифатлар акс эттирилган. Биргина “Алпомиш” дostonидаги ор, “Фарҳод ва Ширин”даги инсонсеварлик ва жумадлик, “Бобурнома”даги мардоналик ва жасорат, “Ўткан кунлар”даги баланд ички маданият, “Сен етим эмассан”даги меҳрибонлик, “Ўзбекистон” ва “Ўзбегим”даги ғурур ва ифтихор сингари юксак туйғулар миллий меросимизнинг қўламини даражасини билдиради. Бундай бойликларимизнинг саногига етиб бўлмайди.

Гап бу сонун саноксиз бойликдан бугун қандай фойдаланаётганимиз борасида кетганда эса, афсуски, мақтанолмаймиз. Миллий қадриятларга парвосизлик ва лоқайдлик, ўткинчи бегона қадриятларга кўр-кўрона эргашиш оммавий тус олди. Утмишдаги асл миллий-маънавий мерос устига қурилмаган ахлоқий қарашлар омонат бўлади. Омонат маънавият эгаларининг эса тафаккури ҳам, туйғулари ҳам қолиплар ичида ва тақлидга мойил бўлади. Тутумлари тақлидга қурилган қўғам (жамият)дан кашфиётчи қуловулар чиқмайди.

Илм шундай нарсаси, уни қидириб топган одамлар учун бор, изламаганлар учун эса йўқ. Демокриманки, бирор оидининг айтганлари ва ёзганларига қизиқиб, ўзлаштириб, амал қилганлар учун бир даражада фойда бордир. Аммо ёзганларингми ўқимайдиган, айтганларингми эшитмайдиган ёки эшитиб амал қилмайдиганлар учун бундай оидиннинг қарашлари йўқ ҳисоби.

Яхши бир факт эсимга тушди. Америкада турма қуриш энг яхши самарали бизнес ҳисобланар экан. Шунинг учун ўша бизнесменлар томонидан 11-15 ёшли ўсмирлар ўртасида ҳар йили сўровнома ўтказилар экан. Агар миллион боладан сўров ўтказилган бўлса, шунинг қанчаси “бадий асар ўқимайман” деса, шунча миқдорда қамоқхона қурилар экан. Бу боғлиқликка эътибор қилиясизми? Яъни бугун бадий асар ўқимайдиган одамлардан потенциал жиноятчи чиқади ва турмани ўшаларнинг миқдorigа қараб тўлдиришимиз керак, деган хулосага келишар экан. Демак, бугун бизнинг ўзбек миллатига худаям хос бўлмаган кўп хусусиятларнинг, иллатларнинг пайдо бўлишига сабаб ана шу биз илдиизмиздан узилиб бораемиз. Чинакам миллий руҳоний илди адабиёт ва тилда сақланади ва ўзбек ўзининг бадий адабиётида кўради. Ана шу бадий адабиётни ўқимаган, бошқа ўзбекининг руҳий дунёси қандай унсурлардан, тизим ва таг тизимлардан иборатлигини билмаган одам ўзи истамаган ҳолда потенциал жиноятчи бўлаверадир. Чунки одамни ноҳиоз, келишимсиз хатти-ҳаракатлардан тийиб турадиган қудрат бу маъ-

навий дунёдир. Эзгу маънавий сифатлардир. Адабиётнинг қудрати шундаки, яхши



бўлинглар, яхши бўлсаларинг яхши бўлади, деган насихат билан эмас, балки ёмонликнинг ёмон эканини кўрсатиб қўйиш билан, яхшиликнинг яхши эканини кўрсатиб қўйиш билан тарбиялайди. У китобни ўқиш билан одам бирданига яхши бўлиб қолиши жуда қийиндир. Лекин ўзи хатти-ҳаракат қилаётган вақтда, ўша бировларнинг сиймосида, бировларнинг образида кўрган яхшиликни амалиётга татбиқ этса... адабиётнинг кучи шунда.

Ўзини, ўзлигини таниш ва ундан ғурурланиш – жуда фазилат бўлмаса ҳам барчада бўлиши керак сифатдир. Бизнинг миллат аҳлида айнан шу сифат камайиб бораётгани ачинарли ва хатарли. Бунинг ачинарли жиҳати: миллий ғурури йўқ кимса ўзини ҳурматга лойиқ бўлмаган одам, миллатини эса иккинчи даражали этнос ҳисоблайди. Хатарли томони: бугунги глобаллашув шароитида ўзга этносларда миллат тўғрисида нотўғри ва салбий тасаввур уйғотади.

Ғурурли одам кибрли бўлмайди. Чунки у ўзгаларда ҳам ана шу туйғу бўлиши кераклигини билади ва ҳисобга олади. Бошқа этносларга паст назар билан қараш савиясизликнинг белгисидир. Айни вақтда ҳар қандай сабаб билан ҳам ўзига паст назар билан қараш қўллик психологиясига мойилликдан далолат.

Бугунги ижтимоий ҳолатни мукаммал изоҳлаш жуда қийин деб ўйлайман. Негаки, бутун дунёда бўлганидек, бизнинг миллат аҳлида ҳам шахслашиш жараёни кечмоқда. Яъни, бугунги одам кўпчилик томонидан қабул қилинган ёки жамият ўрнатган талабларга риоя этиб яшашдан кўра ўзига маъқул кўринган ёндашувларга мувофиқ ҳаёт кечиришни истайди. Шу боис олдингидай кимгадир эргашиб умр кечиришга уринмайди.

Айни вақтда жамият аҳли ичида асл эзгу маънавий қадрият ташувчиларига эмас, балки арзон шов-шувга маҳлиё бўладиган, шу хил шов-шувлар уйғотувчи кимсаларга эргашишга мойил, мўлжали янглиш кимсалар ҳам анчагина. Олдинлари ақли, меҳнаткаш, жиддий, билимли шахсиятларга эргашишга уриниларди. Эндиликда қандай йўл билан бўлсин бойликка, машхурликка эришганларга кўр-кўрона эргашиш кенгроқ ёйилган. Бу

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

санъаткор ва ёзувчи-шоирларнинг бирга ўтказиладиган учрашувларида яққол кўзга ташланади. Кўпчилик истеъдодли шоир у ёзувчиларга эътибор берилмагани ҳолда, бирор сериалдаги иштироки ёхуд бирор кўшиғи билан танилган санъаткорга интилган одамлар жуда кўп бўлади. Шунга қараганда, миллат аҳлининг маънавий қадриятларида муайян ўзгаришлар содир бўлган ва бўляпти дейиш ҳам мумкин. Лекин, қандай бўлмасин, илм-маърифатнинг этагини маҳкам тутиш зарурат эканини англашимиз керак.

Бизнинг ялқовлигимиз туфайли ва кейинги 25-30 йиллар давомида ўқиган, билимли одамлардан кўра ўқимаган, лекин уددали одамлар эътиборда бўлгани учун ўқимаслик миллий белгига айланиб қолди. Бу дунёда яхши яшаш учун бошни қотириб ўқиб ўтириш шарт эмас экан, дейдиган катта бир авлод шаклланди. Чинакам билим одамнинг орзуларини тўхтовсиз равишда юксалтиради. Орзулар моддий чегаралардан баландроқ бўлади. Каттароқ орзулар номус деган, шаън деган, эътироф деган туйғуларни юзга чиқаради. Бизнинг орзуларимиз пасайиб қолди. Омон Матжон бундан 50 йиллар олдин “орзулари бўйидан паст” деб ёзган эди. Шу орзуларимиз, дейлик, қорин тўйдириш, яхши кийим кийиш, машина миниш, уй солишдан баландроққа чиқиши керак. Бир одамнинг ички дунёсини юксалтирадиган, одамнинг, шахснинг бошқа шахслар томонидан эътирофига сабаб бўладиган, ана шундай юксак орзулари бўлмагани учун ниҳоятда катта мансабларда турган одамлар нима қилиб бўлса ҳам, фақат бойлик тўпласам, деган даражага тушиб қолади. Ҳолбуки, улар миллатнинг бугунги босқичи мени ана шундай юксак бир лавозимларга чиқарди, деб ўйлаш керак эди. Бу дунёда бундай имконият, 40 миллион одамнинг ичидан менга насиб қилди. Мен ана шундай бир эсда қоладиган, миллатга фойда келтирадиган ишлар қилишим керак, дейишнинг ўрнига нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ, каттароқ бир моддий бойликка интилишим керак деб ўйлай бошлади. Чунки орзу шу билан тугади.

Яна бир нарсаси борки, шуни мен нима билан тушунтириш, изоҳлаш мумкин эканини ҳеч ўйлаб топа олмаيمان. Уйда ҳар ҳафта бўлмаганда икки марта ош қиладиган ўзбек қаердадир текин ош тарқатилганти десам, шахарнинг у четидан бу четга келиб, талашиб, бир-бирини яқсон қилиб ош ёмоқчи бўлишини тушунолмайман, биз учун ҳеч бир қизиқ нарсаси эмас-ку текин ош ейиш. Демак, мана шу ичимиздаги ўша маънавий борлиқ қашшоқлашиб кетади. Тизимларни, маънавий унсурларни бир тозалаш керак бўлади-да. Нима қилияман ўзи, деб савол қўя билдиси керак. Менинг ҳар битта хатти-ҳаракатим нимага олиб боради?.. Катта мақсадлар қўймоқ учун, катта орзулар қилмоқ учун юксак ҳаёллар парвозига эришмоқ учун юксак даражадаги адабиёт билан ошно бўлиш керак.

Буюк Британиянинг жаҳонга машхур ва кўп асрлик илм маскани – Оксфорд университетиде ўзбек тилини ўқитиш дастурининг ишга туширилиши нафақат Ўзбекистон учун, балки глобал гуманитар сиёсат майдони учун ҳам катта аҳамият касб этди. Бу ташаббус халқаро миқёсда Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, маданий дипломатия ва таълим соҳасидаги янги қадамларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинмоқда. Миллий тилининг бундай нуфузли минбарда тингланишини ўтмиш билан келажак ўртасидаги мустаҳкам маънавий кўприкка менгзаш мумкин.

Биринчидан, демографик омиллар – 35–40 миллион атрофидаги асосий сўзлашувчилар, жами 50 миллионга яқин тил эгалари билан ўзбек тили Марказий Осиёнинг энг йирик тилига айланган.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг геостратегик аҳамияти, минтақадаги иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги ўрни, халқаро муносабатларда фаол иштирок этиши кўплаб мамлакатларнинг тадқиқотчилари, дипломатлари, экспертлари учун ўзбек тилини ўрганишни стратегик заруратга айлантирмоқда.

Учинчидан, Навоий, Бобур, Кошғарий, ат-Термизий, Имом Бухорий каби буюк алломалар мероси Марказий Осиёни ўрганишда асосий манбалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тўртинчидан, Янги Ўзбекистон сиёсати – очиқлик, модернизация, халқаро илмий ҳамкорликнинг кенгайиши тилининг жаҳон майдонидеги мавқеини сезиларли ошириди.

Оксфорддаги дастур келажакда ўзбек тили

ЎЗБЕК ТИЛИ
ОКСФОРД
МИНБАРИДА

Ўзбек тилининг Оксфорд марказида ўрганила бошлаши, энг аввало, унинг минг йиллик илдиизларга эга бой тарихига, маданий-интеллектуал салоҳияти ва замонавий глобал фанга қўиши мумкин бўлган улкан ҳиссасига берилган муносиб баҳодир. Чунки ўзбек тили VII–VIII асрларда шакллана бошлаган қарлук, қўнғирот-қипчоқ ва бошқа туркий шева­ларнинг мураккаб, бироқ изчил ривожланиш жараёни орқали эврилиб, чигатоий адабий тили орқали юксак мақомга, XX асрда эса замонавий кодификацияга эришган тилдир. Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуг мутафаккирлар асарлари нафақат туркий тилшуносликнинг, балки умуминсоният маънавия­тининг бебаҳо дурдоналари сифатида тан олинган.

Оксфорда ўзбек тили ва чигатоий тилшунослигининг алоҳида дастур сифатида йўлга қўйилиши фақат бир фаннинг эмас, балки бутун бир маданий мероснинг дунё интеллектуал соҳасида қайта кашф этилаётганидан дарак беради. Оксфорд университетининг Осиё ва Яқин Шарқ тадқиқотлари факультетида очилган ушбу дастурда талабалар замонавий ўзбек тили, қадимги ўзбек (чигатоий) тили, манбашу-

лини халқаро илм-фан соҳасида янада юксалтирувчи мустаҳкам илмий мактабнинг пойдевори ҳисобланади. Бу мактаб фақат тил ўргатиш билан чекланибгина қолмай, балки ўзбекшунос­лик, манбашунос­лик, тарих, адабиётшунос­лик, этнография каби кенг қамровли соҳаларда илмий муҳит яратишга хизмат қилади. У яқин йилларда Европанинг ва АҚШнинг нуфузли университетларида ўзбек тили бўйича янги кафед­ралар, курслар, тадқиқот марказлари очилишига туртки бўлиши кутилмоқда.

Мен Лондонда таҳсил олаётган бир ёш ўзбекистонлик сифатида бу ҳодисани юрагимдан кечирдим. Чунки она тилим дунё илм-фанининг қулфли эшикларини очаётгани, Оксфорднинг қадимий аудиторияларида тингланаётгани, глобал интеллектуал майдонга кириб бораётгани нафақат фахр, балки масъулият ҳамдир. Бу қадам ҳар бир ёшга келажакни бошқача қўриш, ўзини дунё фанининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида тасаввур қилиш имконини беради.

Оксфорда ўзбек тили дастурининг очилиши шунчаки бир лойиҳа эмас, бу миллатнинг интеллектуал ўзини англашидаги янги босқич,



нос­лик, этномаданий жараёнлар ва Марказий Осиё цивилизацияси тарихи каби муҳим йўналишлар бўйича чуқур билимга эга бўлиш мумкин.

Хайрли ташаббуснинг амалга ошишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сиёсатдаги очиқ ва фаол позицияси, хусусан, Президент Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг бевосита ташаббус ва амалий кўмаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, Вольфсон коллежи президенти Тим Хитченс, Лордлар палатаси аъзоси Малкольм Брюс, профессор Николай Синай, Оксфорд шахрининг собиқ мэри Луиза Аптон каби кўплаб нуфузли шахсларнинг ҳамкорлиги ва қўлаб-қувватлаши ушбу лойиҳанинг илмий ва ташкилотчилик жиҳатдан мустаҳкам асосда йўлга қўйилишига замин яратди.

Дунёда ўзбек тилига қизиқишнинг ортиши тасоди­фий эмас:

тарихий ривожланишнинг мантиқий давоми, миллий маданиятнинг жаҳонга тан олиншидир. Бундай ташаббуслар ўзбек тилининг нуфузини ошириш, глобал илмий муомала тилига айлантириш, ўзбекшунос­ликини халқаро фаннинг муҳим тармоқларидан бири сифатида шакллантиришга хизмат қилишдан иборат.

Шубҳасиз, бу тарихий қадамнинг меваси янада катта бўлади: ўзбек тили дунё универ­ситетларида ўрганилади, ўзбек адабиёти, тари­хи, маданияти халқаро илмий тадқиқотларнинг ажралмас қисмига айланади. Энг муҳими – бу жараён ҳар бир ўзбек учун ифтихор туйғуси, янги имкониятлар эшиги ва келажакка ишонч ман­баи бўлиб хизмат қилажак!

Сухробхон АКБАРОВ,
Лондондаги Қиролича Мери
университети магистранти

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел. факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (сobiқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 1145
Адади: 5005
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 21:25

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ